



**“Хар бир оила тадбиркор”**  
дастури доирасида тадбиркорлик  
фаолиятини амалга ошириш ва  
маслаҳат олиш учун қуйидаги  
телефон рақамларга  
боғланишингиз мумкин.

Телефон рақамлари:  
71 202 80 08 (11267)

Электрон манзил:  
[headoffice@agrobank.uz](mailto:headoffice@agrobank.uz)  
[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

Хизматлар лицензияланган.



**ЧОРВАЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ  
(СУТ ЕТИШТИРИШ)**



**Агробанк томонидан  
“Хар бир оила тадбиркор”  
дастури доирасида ажратиладиган  
имтиёзли микрокредитлар**

**Асосий тушунчалар**

“Хар бир оила тадбиркор” дастури доирасида микрокредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларни ташкил этишга, уларни техник ва технологик жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларида ажратилади.

**Қарз олувчи** – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектлари.

**Кредит мақсади**

Қорамолчиликни ривожлантириш учун.

**Жисмоний шахслардан талаб этиладиган ҳужжатлар:**

- Ариза;
- Паспорт;
- Туман оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази хулосаси;
- Мол етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома.

**Кичик тадбиркорлик субъектидан талаб этиладиган ҳужжатлар:**

- Ариза;
- Бизнес-режа;
- давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), молиявий натижалари (2-сон шакл) ҳисоботи (янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно);
- Мол етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома.

**Таъминот тури:**

**Жисмоний шахслар учун:**

- микрокредит қайтарилишининг таъминотига сектор раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғинининг оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича тавсияномаси.

Бунда тижорат банклари кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари учун:**

- учинчи шахс кафиллиги;
- суғурта полислари;
- кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар;
- Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги;
- бошқа таъминот турлари.

**Кредит миқдори**

- БҲМ\*нинг 150 бараваригача миқдорда - оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун;
- БҲМнинг 1000 бараваригача миқдорда - кичик тадбиркорлик субъектлари учун;
- БҲМнинг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда - самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд лойиҳалар учун.

**Фоиз ставкаси**

Микрокредитлар йиллик 14 фоиз устама тўлаш шартли билан ажратилади.

**Кредит муддати**

- Микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга;
- Айланма маблағларни тўлдиришга имтиёзли кредитлар 18 ой муддатгача револьвер кредит тарзида ажратилади.

\*БҲМ - базавий ҳисоблаш миқдори

**ҚОРАМОЛЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
УЧУН**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Ажратиладиган кредит миқдори (2 бош сизир)	минг сўм	30 000
2	Жами йиллик харажат	минг сўм	24 925
2.1	Озуқа ем харажати (1 кунда 20 кг*2000 сўм жами 40 000 сўм, 1 йилда 365*14 600 минг сўм)	минг сўм	14 600
2.2	Бошқа харажатлар (кимёвий дори ва ҳ.к)	минг сўм	300
2.3	жами йиллик кредит фоизи	минг сўм	4 025
2.4	жами йиллик кредит тўлови	минг сўм	6 000
3	Бир йилда олинадиган даромад	минг сўм	32 400
3.1	Олинадиган маҳсулот миқдори (1 кунда 30 литр сут, 1 ойда 900 литр сут, 9 ойда 8100 литр сут)	литр	8 100
3.2	Маҳсулот киймати	сўм	4 000
4	Соф фойда (1 йилда)	минг сўм	7 475

